



ЎЗХДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

ОДАМЛАР ПАРТИЯДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТАДИ

Сиёсий партияларнинг фаоллиги — бу жамият фаоллигини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Сиёсий партиянинг фаоллиги эса амалий ишларда намоён бўлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бугунги босқичи сиёсий партиялар олдида катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда. Бугун ҳар бир сиёсий партия ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш баробарида мамлакат тараққиётига дахлдор масалаларни ҳал этишда амалий таклифлари ва ишлари билан фаол иштирок этиши керак.

Сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясидан тортиб, маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотларигача дастурий мақсадлар ижроси йўлида фаоллик кўрсатиши, амалий таклиф ва ташаббусларни кўпроқ илгари суриши талаб этилмоқда.

Бугун ЎЗХДП ташкилотлари бу вазифаларни қандай бажармоқда, ютуқ ва камчиликлар нималарда кўринмоқда?

Таҳририятимиз бугундан бошлаб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи махсус саҳифалар бериб боришни режалаштирган. Дастлабки махсус саҳифа ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши фаолиятига бағишланади.



Эътироф

Ўзбекистон Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритди. Ушбу муваффақиятлар барқарор ва инсон манфаатларига йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Пан Ги Мун,
БМТ Бош котиби.

Олий таълим

сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади

Келажаги буюк юртнинг бахтли болалари

Наманган вилоятининг Норин туманида «Норин» болалар оромгоҳи фойдаланишга топширилди



ТАЪЛИМ

■ Сариосиё туманида 150 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 60 фоизга яқини ёшлардир. Мустақиллик йилларида жойларда ўндан ортиқ касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди, кўплаб соғломлаштириш мажмуалари ёш авлодни ўз бағрига олди.

ЯНГИ МАКТАБЛАР чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилмоқда

— Айни кунларда 74 умумтаълим мактабида 26 минг нафардан ортиқ йигит-қиз таълим-тарбия олмақда, — дейди Сариосиё туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, ЎЗХДП аъзоси Аҳмаджон Бобоев. — Қисқа даврда 22 мактаб реконструкция қилинган бўлса, 32 таси капитал, 14 таси жорий таъмирдан чиқди. Туман марказидан 70-80 километр олисда жойлашган 42-умумтаълим мактабининг 100 ўринли ва 18-умумтаълим мактабининг 120 ўринга мўлжалланган филиаллари янги ўқув йилида фойдаланишга топширилади. Янги мактабларнинг барпо этилиши чекка қишлоқларда яшовчи болалар учун қувончли воқеа бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Элим тинч — мен тинч

■ Халқ депутатлари Хўжайли туман 19-сон «Энергетик» сайлов округи депутати Айлар Ўринбаева ҳамда 12-сон ОФЙ фаоллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нурулла Исақовнинг хотонасига совға-салом билан келишди. 8 нафар фарзанднинг отаси, 41 наба-рининг буваси ва 6 эварага катта бобо бўлиш бахтига муяссар отахон бу йил 91 ёшга қарши олди.

— Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, икки марта ярадор бўлганман. Очлик, ҳўрлик замоналарини кўрдик, — дейди ота суҳбат чоғида. — Бугун юртимизнинг кун сайин чирой очиб бораётгани, ёшларга яратилаётган шароитларни кўриб дилим яйрайди. Ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналар айтаман. Набираларим билан сайрга чиққанимда одамларнинг юзидаги эркинлик ва хотиржам-

ликдан кўнглим тоғдек юксалади. Биз, кексалар кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказдик. Ҳозиргдай давру даврон ўғил-қизларимизга насиб этганидан хурсандимиз.

Учрашувда нуронийларга кўрсатилаётган эътибор уларнинг ҳаётини мазмунан бойитиши эътироф этилди. Шундан сўнг отахонга партия ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Кексалар ҳолидан хабар олиш, ўтганларни хотирлаш ва бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш келажакини тўғри тасаввур этишимиз учун хизмат қилади. Ёшлар ажодларимизнинг Ватан эрки ва озодлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида чеккан заҳматларини чуқур англашда икки авлод учрашувлари, нуронийларнинг ҳолидан хабар олиш каби тадбирлари катта аҳамият касб этади.

Тимур АСАНОВ,
ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республика
Хўжайли туман кенгаши раиси.

Ўзбекистон ХДП қишлоқ аҳолисининг уй-жой, маиший шароитларини шаҳар даражасигача етказиш бўйича қабул қилинган давлат қарорларининг самарали бажарилишини таъминлаш, бу борада давлат маҳаллий ва хўжалик бошқаруви органлари, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг жавобгарлигини ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

ЎЗХДП Сайловолди
дастуридан.

ХУШХАБАРЛАР!

ЯНА БИР БРОНЗА МЕДАЛЬ

■ Вроцлав (Польша)да оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш спортчиларимиз учта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг вазни 63 килограммгача бўлган атлетлар ўртасидаги баҳсларида қатнашган умидли спортчимиз, II ўсмирлар Олимпиадаси бронза медали совриндори Адҳам Эргашев учта кумуш медални қўлга киритгани ҳақида хабар берган эдик.

Адҳамнинг муваффақиятли иштирокини яна бир истеъдодли вақилимиз Даврон Кенжаев (105 кг) муносиб давом эттирди. У штангани даст кўтаришда 173 килограмм оғирликни ўзига бўйсундириб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Иккдорли спортчимиз штангани силтаб кўтаришда 195 килограмм, иккикураш якунига кўра, 368 килограмм натижани қайд этди.

■ Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича кадетлар ўртасида Осиё чемпионати нихоясига етди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Қитъа чемпионатининг биринчи кунинда гиламга чиққан юнон-рум курашчиларимиз Достонбек Турсунбоев (42 кг) ва Тўрабек Тиркашев (46 кг) бронза медални соҳиби бўлди.

Мусобақанинг навбатдаги кунги баҳсларида юнон-рум курашчиларимиздан яна бири Маҳмуд Бахшуллаев (54 кг) кумуш медал билан тақдирланди.

Аёллар кураши бўйича беллашувлар ҳам спортчиларимиз учун омадли бўлди. Жумладан, вазни 60 килограммгача бўлган қизлар ўртасида Набира Есенбоева шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Шаҳодат Жўлибоева (56 кг) иккинчи, Ақтенге Кеўнижоева (46 кг) учинчи ўринни эгаллади.

Эркин кураш беллашувларида эса Аббос Раҳмонов, Рустамбек Жўраев кумуш, Хасанбой Раҳимов, Бунёд Тожибоев, Ислам Илҳомов ва Фулом Абдуллаев бронза медалига сазовор бўлди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖУ талабаси.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЯНГИ ЛОЙИҲА —
КЕЛАЖАККА ЯНГИЧА
НИГОҲ БИЛАН ҚАРАШ

Ёки қуёш, сув, шамол энергияси ва ернинг
тортишиш кучи ҳақида



■ Депутат таклифи халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳида муҳокама этилди

ЎЗХДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

ОДАМЛАР ПАРТИЯДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТАДИ

Сиёсий партияларнинг фаоллиги — бу жамият фаоллигини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Сиёсий партиянинг фаоллиги эса амалий ишларда намоён бўлади.



Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим гоҳлар илгари сурилган.

Дунёнинг ривожланган давлатлари босиб ўтган йўл шунини кўрсатадики, кучли фуқаролик жамияти куриш учун, энг аввало, демократик ислохотларга мос равишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарабини ўзгартирадиган ва фаоллигини оширадиган асосий куч — сиёсий партиялар одамлар ҳаётига чуқур кириб бориши лозим.

Сиёсий партиялар жамият ҳаётига қанчалик чуқур кириб борса, ижтимоий муаммолар шунчалик самарали бартараф этилади. Мамлакат ички тараққиёт этиши, демократик тамойиллар, инсон манфаатлари бош масалага айланишида маҳаллий тузилмалар муҳим ўрин тутди. Бунини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи, фаолларимиз, етакчиларимиз, бошланғич ташкилотларимиз, хайрихоҳларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Сиёсий партиямиз олдида турган масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам билан яқиндан ишлаш, жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини мунтазам таҳлил этиб боришга жиддий эътибор қаратаймиз.

Кейинги пайтларда шаҳар партия ташкилоти тизимида қатор ижобий натижаларга эришилди. Биз ишга муносабатини ўзгартириш, замон билан ҳамнафас тарзда фаолият юритиш каби ҳаётий масалаларга кўпроқ эътибор қаратдик. Албатта, бу ўз самарасини берди. Кейинги вақтларда партиямиз гоҳларига хайрихоҳлар сони тобора ошиб бораётган. Маълумотларга қараганда, ҳар ойда партиямиз аъзолари 150 нафарга кўпаймоқда. Бугун улар 1040 бошланғич партия ташкилотига бирлашган.

Пойтахтимизда ЎЗХДПнинг 12 та туман кенгаши фаолият юритаётган. Айнан ушбу ташкилотларимиз орқали партиямиз электратининг асосий ижтимоий гуруҳлари орасида ўз позициямиз ва дастурий мақсадларимизни тушунтириш ишларини изчил давом эттираямиз.

Афсуски, султ фаолият юритаётган маҳаллий партия ташкилотлари, депутатларимиз борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Улар маҳаллий ҳокимият органлари ишидаги камчилик ҳал нуқсонлар билан мурося қилиб келишяпти. Одамларни безовта қилаётган ижтимоий масалалар тўғрисида ҳар доим ҳам амалий тақлифлар беришмаяпти. Аслида эса, маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлар муаммоларни изчил ўрганиб бориши ва тақлифларни илгари суриши лозим. Қонунлар ижросига лоқайд қараётган, ижтимоий масалаларни ҳал этишни пайсалга солаётган айрим мансабдорлар фаолиятига ўз вақтида танқидий баҳо беришимиз зарур.

Ушандагина сиёсий партия сифатида зиммамиздаги вазифаларни бажарган, жамият ҳаётида мустақкам ўрин эгаллаган бўламиз.

Бир нарсани унутмаслигимиз керак, сайловчиларимиз бизга Сайлов-олди дастуриимизни қанчалик даражада амалга ошираётганимизга қараб баҳо беради. Чунки бугун одамлар партиядан фақат амалий ишлар кутмоқда...

Ҳайдар БОБОХОНОВ,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ КУЧИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИДИР

Кейинги йилларда маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайиб бораётган. Асосийси эса қонун билан белгиланган ушбу ваколат ва имкониятлардан қандай фойдаланишимизга боғлиқ.

Бугун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қандай тақлиф ва ташаббуслар билан чиқмоқда?

Айни кунда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида партиямиздан сайланган 15 нафар депутат фаолият юритапти. Улар партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатлари билан боғлиқ қатор масалалар партия гуруҳи йиғилишларида кўриб чиқилди. Улардан айримлари сессиялар кун тартибига олиб чиқишга тайёрланмоқда. Булар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш, архитектура ва ободонлаштириш билан боғлиқ масалалардир. Хусусан, апрель ойида партиямиз гуруҳининг «**Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммо ва ечимлар: унда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштироки**» мавзусига бағишланган йиғилишида учта туман ҳудудида аҳолига уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Кўп қаватли айрим турар-жойларда хонадон эгалари томонидан ўзбошимчилик билан ҳеч қандай расмий рухсатсиз ва лойиҳасиз хонадон ташки ҳолатларини ўзгартириш буйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрланди.

Шунингдек, партия гуруҳи аъзолари депутатлик сўрови институти имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Жорий йилнинг шу даврига қадар депутатлар аҳолидан тушган мурожаатлар асосида тегишли ташкилотларга 30

дан ортиқ депутатлик сўрови юборди.

Мисол учун, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати **Жасур Қулмухамедов**га Чилонзор туманидаги 7-мавзе 32-33-уйлар ҳамда 8-мавзе 29-уйнинг иссиқлик таъминотидаги носозликлар, иссиқлик қувватини пастлиги, Чилонзор тумани Лутфий кўчаси 4-уй ҳамда йўлагини асфальт қилиш масалаларида мурожаат бўлган. Депутат ушбу масалада туман ҳокимлигига сўров юборган ва муаммо ижобий ҳал этилган.

Чилонзор тумани 9-мавзеда жойлашган туман кўзи оқизлар жамиятига қарашли 27-сон ётоқхонани капитал таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш юзасидан Кўзи оқизлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими раисига сўров киритилган.

220-сон мактабга таълим муассасаси ҳудудидаги болалар майдончаларини ҳамда болалар сузиш ҳавзасини таъмирлаш масаласи буйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати **Лола Илиева** томонидан Яккасарой туман ҳокимига сўров юборилган ва масала ижобий ҳал этилиб, туман молия бошқармаси томонидан қурилиш материаллари учун маблағ ажратилди.

Бундай амалий ишларни қанча кўпайтирсак, одамларга шунчалик фойдамиз тегади ва партиямизга жамоатчилик ишончи ҳам ошади.

Руслан МУБОРАКШИН,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси.

ҲАЁТИЙ ЛОЙИҲАЛАР ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Партиямизнинг Ҳаракат дастурида айнан шу масала буйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, ЎЗХДП Марказий Кенгаши қарорига мувофиқ «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси Тошкент шаҳри микросида ҳам ўтказилмоқда. Унда ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фавриларининг ҳолидан хабар олинапти. Имконияти чекланган кексаларга моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Шунингдек, «Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси буйича пойтахтимизнинг барча ҳудудларида тадбирлар ўтказилмоқда.

Мазкур лойиҳалар доирасида ўтказилган барча тадбирларимизда ёши улуг инсонларнинг саломатлигини тақлаш мақсадида тиббий кўриқлар ташкил этилди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда электрот вакиллари иштирокини янада кучайтириш мақсадида туман ва шаҳар кенгашларида ўтган йили 100 га яқин сиёсий ўқув ўтказилди. Унда тарғиботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи, депутатлар ва сиёсатшунослар фаол иштирок этишди. Семинар ва давра суҳбати тарзида ўтказилган тадбирларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгариш ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар

мазмун-моҳиятининг тарғиботи, партия аъзолари ва электрот вакиллари сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этиладиган ҳар бир тадбирга олдиндан пухта тайёргарлик қуриб, таъсирчан усуллари кенг қўллашга, жумладан умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, ўқувлар самарадорлигини ошириш учун маърузачилар мавзунини ҳаётий мисолларда тингловчиларга тушунтириб боришяпти. Суҳбатларни имкон қадар қуруқ маърузалардан воз кечиб, баҳс-мунозара асосида олиб боришга эътибор бераймиз. Бундан ташқари, ахборот-маърифат хоналари имкониятларидан келиб чиқиб, ўқувлардан сўнг иштирокчиларга мавзуга оид услубий қўлланмалар, партия фаолиятига доир буклетлар тарқатилмоқда.

Маргарита АХМЕДБЕКОВА,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари.

АЁЛ ФАОЛ БЎЛСА...

Бугунги кунда ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг 21 минг 153 нафар аъзоси бор. Ўтган даврда қанот ташаббуси билан хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги мавқени мустақкамлаш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида қатор амалий ишлар олиб борилди.

Масалан, «Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг фаоллигини ошириш масалалари», «Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини: оширишда самарали шакл ва услубларни қўллаш» мавзусидаги давра суҳбатлари ва сиёсий семинарлар бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жорий йилда ҳам хотин-қизлар билан жонли ва юзма-юз мулоқотга, учрашувлар, тадбирлар ташкил этилмоқда. Кекса ёшдаги аёллар билан учрашиб, самийини мулоқотларга ўтказилди, уларга яратилган имтиёзлардан қандай фойдаланиш масалалари ҳақида маслаҳатлар берилди.

Айтиш керакки, тадбирларда туман, шаҳар «Фаол аёллар» қаноти бўлимлари атрофига бирлашган турли соҳалардаги фаол хотин-қизларнинг салоҳияти, бошланғич ташкилотлар имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизларни иш билан таъминлашда тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доирасида 10 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳамкор ташкилотлар билан бирга тадбирлар ташкил этилди. Уларда 400 га яқин вақтинча ишсиз бўлган хотин-қиз иштирок этди. Лойиҳа доирасида 40 га яқин хотин-қизни иш билан таъминлашга, 20 дан ортиқ хотин-қизга ўз ишини йўлга қўйишга қўмақлашилди.

Бироқ бу ишларни бажарилиши керак бўлган вазифалар билан қиёсласак, хотиржам бўлишга ҳеч ҳам ҳаққимиз йўқлигини англаймиз. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириб бориш борасида янги-янги лойиҳалар устида ишлашимиз керак бўлади.

Гулчехра АЗИЗОВА,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси.

ЁШЛАР — ХАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида қўллаб-ташаббусларни илгари сурмоқда. Айниқса, «Ёшлар ва интернет: муваф-

фақиятлар ва муаммолар», «Биз партия сафидамиз», «Колледж — корхонага», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» каби лойиҳалар асосида ўтказилаётган тадбирлар ёшлар манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу каби мавзулар ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириб, фуқаролик туйғусини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, партиямиз тизимида бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови яхши самара бермоқда. Танловнинг бу йилги босқичларида иштирок этиш истагини билдирганлардан 1,5 мингга яқин ариза қабул қилинди. Дастлабки босқичларда юқори натижаларга эришган 15 нафар йигит-қиз республика босқичида қатнашиш учун ўзаро баҳс олиб борди. Танлов натижаларига кўра, Миробод туманидан Улугбек Алиқулов ғолиб деб топилиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлнамани қўлга киритди.

«Ёш сиёсатчи» кўрик танлови турли соҳада ишлаётган ёки таълим олаётган минглаб ташаббускор, ғайратли, истеъдодли ёшларимизни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Уларни ўз устида кўпроқ ишлашига, билимини оширишга, катта мақсадлар сари ишонч билан интилишга даъват этмоқда.

Санжар СОБИРЖОНОВ,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ: ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ ЁТАДИ

Ҳар бир сиёсий партия ўз электрот муаммоларини ўрганиш борасида турли йўللardan фойдаланишга ҳаракат қилади. Аммо Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу борада бошқа бирорта партияда қузатилмаган тажрибага эга. Бу партия ташкилотлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналаридир.

Бугун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий маданиятини ошириш, шунингдек, партия электротини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш, ижтимоий қўмакка муҳтож қатлам вакилларида амалий ёрдам беришда мазкур қабулхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни кунда ЎЗХДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашларида 13 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритапти. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, аҳоли томонидан бўлаётган мурожаатлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу партия ташкилотлари ва гуруҳларининг аҳоли мурожаатларига муносабатини тубдан ўзгаргани, одамларнинг партияга бўлган ишонч ошаётганидан далолат беради.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса қабулхоналарга тушган мурожаатлар сони 150 дан ошди. Уларнинг асосий қисми коммунал, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий масалаларда бўлган. Мурожаатларнинг 80 фоизидан ортиги ижобий ҳал этилди, қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бу борадаги фаолиятимизда бир масалага алоҳида эътибор қаратаямиз. Яъни муайян мурожаатни ҳал этиш билан чегараланиб қолмаямиз. Уларни умумлаштириб, тақлифларни шакллантириб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар партия ташкилоти томонидан дастурий мақсадларни амалга ошириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Очиги, партия ташкилотининг бугунги фаолиятини бундан беш йил олдингиси билан қиёсласак, катта ўзгаришлар бўлгани ақлоқ сезилади. Кейинги йилларда янги ташаббуслар, янги лойиҳалар тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бироқ партия ташкилоти олдида турган ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар, ечимини қўтаётган масалалар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Партия ташкилоти кейинги фаолиятида ана шундай камчиликларга алоҳида эътибор қаратиши, электрот вакиллари, сайловчиларни ўйлантираётган масалалар ҳаётий, амалий ишлар билан янада кўпроқ шуғулланиши талаб этилади.

доимий комиссиялар йиғилишларида, сессиялар муҳокамасига олиб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига бандлик масаласида киритилган аксарият масалалар аҳолининг Жамоатчилик қабулхоналарига қилган мурожаатлари асосида тайёрланди.

Бироқ очигини айтиш керак, мурожаатлар билан ишлаш ҳамма жойда ҳам бирдек талаб даражасида эмас. Масалан, Яккасарой, Бектемир туманларида қабул белгиланган тартиб асосида йўлга қўйилган. Мурожаатларни ҳал этишда депутатлар ва партия ташкилотларининг биргаликда ишлаш қўнимаси барқарор эмас. Бу эса муаммоларни ҳал этишга тўсиқ бўлади, мурожаат этиб бориш қилишга олиб келади. Туман партия кенгашлари раислари, депутатлар қабулхоналарнинг партия ҳаётидаги ўрни, электрот манфаатини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини етарли даражада баҳолаб олиш талаб этилади. Бу электрот манфаатларини ҳимоя қилишда, сайловчилар ишончини оқлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Салоҳиддин АХМАДАЛИЕВ,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши сектори мудири.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДАН БОШЛАНАДИ

Сиёсий партиянинг дастури, гоҳий мақсадларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Улар қанча фаоллик кўрсатади, сиёсий партия дастурий мақсадларини амалга ошириш шунча самарали бўлади.

Маълумки, бошланғич ташкилот фаолиятидаги устувор вазифалардан бири аъзолар, тарафдорларни кучайтириш, электротларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборатдир. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб борилаётган ишларда биринчи галда шунга эътибор қаратаймиз. Эркин мулоқот тарзидаги учрашувларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин бериляпти. Энг муҳими, бу тадбирлар тарафдорларимизни кўпайтирмоқда. Ҳозир бизнинг ҳудудий партия ташкилотимизга 392 нафар аъзо бирлашган. Яқинда яна 10 нафар маҳалладошимиз партия сафига қўшилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Ораста қизлар», «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Сиёсий-ҳуқуқий билимга эга шахс жамиятда муносиб ўрин топади» каби мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди.

Очигини айтиш керак, ишимизда ҳали камчиликлар оз эмас. Партиямиз электрот вакиллари ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, тақлифлар ишлаб чиқиш, уларни юқори партия ташкилотлари ва депутатларга етказиш борасида амалий ишларимизни кўпайтириш зарур. Бошланғич ташкилот нафақат партиянинг асоси, барча ишларда сунъий ҳам ҳисобланади. Фақат бунга амалда эришиш керак.

Дилором ҲАЙДАРОВА,
Сирғали туманидаги Абдурахмон Жомий маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти етакчиси.



Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Фарух АЛИЕВ, Санжар ШОТЎЛДАНОВ оған сураблар.

Билимдан қудратлироқ куч йўқ. Билим билан қуроолланган инсонни эса ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 18-iyun. Payshanba
71 (31.974)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

МУНОСАБАТ

Олий таълим

сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади

■ Мамлакатимизда таълим тизими янада ривожлантириш, халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, ўқув жараёналарига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари масъулияти, касб даражаси ва малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизimini янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.



Собитхон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ислохотлар тақдири кадрларга боғлиқ, деган ғоя беқорга илгари сурилмаган. Барча ютуқлар ва мағлубиятлар замирида биз тайёрлаётган кадрлар билими, ташкилотчилик кўникмаси, замонавий қарашлари ётади. Мен ушбу соҳани яхши билган мутахассис сифатида шуни айтмоқчиманки, биринчи навбатда кадрлар тайёрлайдиган муассасалар профессор-ўқитувчиларининг масъулиятини ошириш керак.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 университет ва институтда 230 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох этишга йўналтирилган йиллик харажатлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджетли харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқ эканлиги ҳам мазкур соҳага кўрсатилган юксак эътибор натижасидир.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил этадиган бўлсак, соҳада пухта тизим, ташкилий-ҳукукий шарт-шароитлар яратилди. Энди эса олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини амалиётга жорий қилиш талаб этилмоқда. Ушбу фармон эса бу борада айтиш мумкин бўлди, деб ўйлайман.

Президент фармонида юқори самарали замонавий таълим ва

инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш белгиланган. Шунингдек, фармонга кўра, олий ўқув юртлари ўқитувчилари глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши лозим бўлади. Бу эса ҳар бир ўқитувчидан доимо ўз устида ишлаш, тинимсиз изланишда бўлиш, дунё тажрибасини ўрганиб боришни тақозо этади.

Бугун таълимнинг барча босқичларида чет тилларини мукаммал ўргатиш тизими яратилмоқда. Бу эса олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш кераклигини кўрсатади. Қолаверса, чет тилларини ўзлаштириш орқали ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг имкониятга эга бўлади.

Умуман олганда, мазкур фармон профессор-ўқитувчилар касбий малакасини ошириш орқали олий таълим даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, пировард натижада, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Лола ИЛИЕВА,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети чет тиллар факультети доценти:

— Ўзбекистон учун таълим соҳаси нақадар устувор аҳамиятга эга эканини ушбу фармон яна бир бор тасдиқлаб турибди. Чунки, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимиз тараққиёти бевосита олий таълим муассасаларида таълим олаётган кадрларга боғлиқ.

Тажрибадан биламизки, ўз устида ишлаган, янгиланган интилувчан, чет тилларини мукаммал билган ўқитувчилар таълим муассасасида ҳам, талабалар ўртасида ҳам доимо катта обрўга эга бўлади. Ушбу фармон эса барча профессор-ўқитувчиларга ана шундай ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш имкониятини тақдим этади.

Фармонга биноан, Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш илмий кенгашлари, зарур услубий, ўқув-лаборатория ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган замонавий моддий-техник базага эга 15 та етакчи олий ўқув юрти олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланди.

Қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил этилади. Уларда машғуллотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражага ўтказиш учун барча ўқув-услубий ва моддий-техник база шакллантирилиши кўзда тутилган.

Энг асосийси, қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумот базаси шакллантирилади, замонавий

инновацион педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва қайта тайёрлаш жараёнига татбиқ қилинади.

Фармонда белгиланганидек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқийётган тинловчилар учун уларнинг очик маърузалар ва амалий машғуллотлар ўтказиши, ўқилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган педагогик амалиёт йўлга қўйилади.

Буларнинг барчаси олий таълим муассасасида ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишига хизмат қилади...

Бугун академик лицей ва касб-хунар коллежларини тамомлаб, олий ўқув юртида грант ёки шартнома асосида ўқийётган талаба эртага тўғридан-тўғри маълум бир соҳада фаолият бошлайди. Лекин уни қандай ўқитишган, унинг билими ва салоҳияти қай даражада деган савол кўпчилиكنи ўйлантиради. Албатта, олий таълим муассасасида тўлақонли таҳсил олган, ўз мутахассислигини пухта ўзлаштирган кадр борган жойида соҳани ривожлантиради, янгиланган яратди. Бироқ, аксинча бўлса-чи? Бундай ҳолатда у мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган бир бўғиннинг таназзулга юз тутишига сабабчи бўлади.

Ушбулардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур фармон нафақат олий таълим тизimini ривожлантиришга балки мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилиши билан ҳам бекиёс аҳамиятга эга.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Экологик жиҳатдан афзал, бироқ тезлик масаласи...

ГФР экологик тоза технология ҳисобланмиш электромобиллар ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш борасида олдинги ўринларда туради. Аини пайтда 2020 йилгача электромобиллар сонини 1 миллионга етказиш ва унинг савдосини ривожлантириб бориш дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бироқ бу дастурнинг самараси кам бўлмоқда.



«Зюддойче цайтунг» газетаси маълум қилишича, автоаваскорлар мазкур янги технология асосида яратилган электромобилларни экологик тоза ва бошқа афзалликларга эгаллигига қарамай, кам сотиб олишяпти. Бунга сабаб электромобилларнинг тезлиги камлиги ва бир марталик қуввати билан юз километрдан ортиқ йўл боса олмаслигидир. Ҳар юз километрда уни «зарядлаш» лозим. «Заряд»лайдиган шохобчалар эса кам. Бунинг устига электромобиллар нархи одатдаги автомобилларга қараганда анча қиммат.

Мамлакат ҳукумати электромобиллар афзалликларини янада ошириш устида изланишлар олиб бориш лозимлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Муаллим ва муҳаррир қўлни қўлга берса,

малакали журналист кадрлар тайёрлаш самараси янада юқори бўлади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жон тиллари университети ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжумани малакали журналист кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланди.

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони кундан-кунга ортиб борапти, — дейди **Журналистлар ижодий уюшмаси ранси Иброҳим Ҳалимбеков**. — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида бир неча йўналишда телеканаллар ташкил этилди, кўплаб наشريётлар, газеталар, интернет сайтлари очилмоқда. Бу эса ўз навбатида, журналист кадрларга бўлган эҳтиёж янада ортишига сабаб бўлмоқда. Йил бошидан бери ҳар иккала университетлар журналистика факультетларида суҳбатлар ўтказдик. Ўйлайманки, бугунги матбуот анжумани ҳам малакали журналист кадрлар тайёрлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлади.

— Журналистларимизнинг жамиятда тутган ўрни тобора юксалиб бормоқда, — дейди **ЎЗМУ ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Шухрат Сирожиддинов**. — Бу эса миллий журналистика-миз, журналист кадрлар тайёрла-надиган олий ўқув юртлари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Дунё ахборот майдонидеда глобаллашув кучайиб бораётган бир шароитда содир бўлаётган воқеаларга тез ва ҳолис муносабат билдира оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зиммасида турган муҳим вазифа саналади.

Яқинда ЎЗМУ журналистика факультетининг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда талабаларнинг билим олишлари, ўрганганларини амалда синая

назоратни кўчатиришлари зарур. Илгари талабалар ёзги амалиётни ўташ учун ўзи туғилиб ўсган жойларга юбориларди ва амалиёт ўтагани ҳақидаги маълумотнома олиб келарди. Улар асосида амалиёт ўтаганини ёзиш, бундан билиш қийин эди. Биз яқиндан бошлаб вилоят ва туманларда фаолият кўрсатаётган ОАВлар билан алоқани йўлга қўйдик. Улар билан доимий равишда боғлиқ турибмиз ва талабаларимиз амалиётни қандай ўтаётганини назорат қилаямиз.

— Бугунги кунга келиб журналистика ахборот технологиялари коммуникациялари билан чамбарчас боғланиб кетди, — дейди **ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент Акбар Нурматов**. — Интернет журналистиканинг туртинчи йўналиши бўлиш билан бирга, матбуот, радио ва телевидениени ўзида жамлаб олгани билан аҳамият-ли. Бугун интернет орқали газеталарни ўқиш, радио тинглаш ва телекўрсатувларни кўриш имконияти бор.

Журналистика соҳасида деярли ҳар кун янгиланишлар, ўзгаришлар бўлмоқда. Бугунги давр журналисти нафақат яхши мақола ёза олиши, балки компьютер технологиясини, чет тилларни, интернет тизimini чуқур билиши керак.

Шиддат билан ўзгариб бораётган сиёсий жараёнлар, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви тобора кучайиб бораётгани биздан чуқур билим, журят ва жасоратни талаб қилмоқда.

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2015 йилда қурилиш режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
	ЛОТ 58-2:			
Лот-1	Каттақўрғон шаҳар, Амир Темур кўчасида 1-сон 4 қаватли 32 хонадонли уй қурилиши	2 154 139 621 сўм	2 584 967 545 сўм	6 ой
Лот-2	Каттақўрғон шаҳар, Амир Темур кўчасида 2-сон 4 қаватли 16 хонадонли уй қурилиши	1 103 254 576 сўм	1 323 905 491 сўм	6 ой
	ЛОТ 59-2:			
Лот-1	Пайариқ тумани Ғўзал маҳалласида 4 қаватли 32 хонадонли уй қурилиши	2 179 307 255 сўм	2 615 168 706 сўм	6 ой
Лот-2	Пайариқ тумани Ғўзал маҳалласида 4 қаватли 16 хонадонли уй қурилиши	1 118 199 442 сўм	1 341 839 330 сўм	6 ой
	ЛОТ 60-2:			
Лот-1	Самарқанд шаҳар, Озод Шарқ кўчасида 2-сон 4 қаватли 32 хонадонли уй қурилиши	2 241 146 426 сўм	2 689 375 711 сўм	6 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳар, Озод Шарқ кўчасида 1-сон 4 қаватли 16 хонадонли уй қурилиши	1 122 770 905 сўм	1 347 325 086 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари банк кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
ЛОТ 61-2:				
Лот-1	Тайлоқ туманида 2 қаватли 12х22 м ўлчамли пенсия жамғармасининг маъмурий биноси қурилиши	821 542 445 сўм	985 850 934 сўм	8 ой
Лот-2	Пахтачи туманида 2 қаватли 12х18 м ўлчамли пенсия жамғармасининг маъмурий биноси қурилиши	595 923 657 сўм	715 108 388 сўм	8 ой
ЛОТ 62-2:				
Лот-1	Иштихон туманида 2 қаватли 12х22 м ўлчамли пенсия жамғармасининг маъмурий биноси қурилиши	789 597 843 сўм	947 517 412 сўм	8 ой
Лот-2	Каттақўрғон шаҳрида 2 қаватли 12х22 м ўлчамли пенсия жамғармасининг маъмурий биноси қурилиши	751 470 988 сўм	901 765 186 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси - Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўсарой майдони. 1-й, телефон: (0366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан, Лот 61-2; Лот 62-2 бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишини керак: танлов савдолари предмети қиймати-нинг камида 20 ф.и.и миқдориди айл-

ланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароланомаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўшаш ишчи-отларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақдирларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйиладиган нарх преференциялари эътиборга олинади: қўнун ҳужжатларига мўътофиқ импорт қўлувчилар қўшилган қиймат со-лячидан озод қилинадиган товарлар (иш-лар, хизматлар)ни импортта етказиб бе-риладиган танлов тақдирлари қатнашчи-ларнинг танлов тақдирларини баҳолаш-да кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшма-ка равишда ҳисобга олинади.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон топ этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги ман-зида: Самарқанд шаҳри, Қўсарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимли-ги инжиниринг компанияси биносиди-да соат 10-00 да ўтказилади.



■ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШДАН ЎТГАН ВА МАЛАКА ОШИРГАН РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШНИНГ СИФАТ ДАРАЖАСИГА, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ХОЛИСЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ПРИНЦИПАЛЛИК УЧУН ШАХСАН ЖАВОБ БЕРАДИ.



■ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ ТАҚРОРИЙ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТОЛМАГАН ТАҚДИРДА, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТУВЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ ЙЎҚОТАДИ ВА УЛАР БИЛАН АСОСИЙ ИШ ЖОЙИ БЎЙИЧА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Келажаги буюк юртнинг бахтли болалари

Наманган вилоятининг Норин туманида «Норин» болалар оромгоҳи фойдаланишга топширилди

■ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳимойлигида барпо этилган мазкур дам олиш маскани қурилишига салкам 11 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Тумanning Эски Ҳаққул-обод қишлоғида иш бошлаган янги оромгоҳда мавсум давомида 800 нафар ўғил-қиз мароқли дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиши учун барча қулайлик яратилган. Умумий майдони қарийб тўрт гектарни ташкил этган оромгоҳ турфа гуллари, ям-яшил майсазор ва манзарали даракларга буркангани ўзига хос сўзбоғни эслатади.

2015 йил 15 июнь. Икки чети ям-яшил пахтазор бўлган дала йўлидан бораётган автоуловлар анҳор қайрилиб, мавжланиб оқаётган сўлим соҳил ёқасини манзил тутди. Ботаётган қуёш шафақ нурларини «Марғилон таъмир қурилиш» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан барпо этилган янги оромгоҳ узра соча бошлади.

Карнай-сурнайларнинг тантанавор садоси эл-улусни ушбу оромгоҳга чорлайди. Пойтахтдан ташриф буюрган вакиллар, шунингдек, бир

қатор мутасадди ташкилот раҳбарлари, табаррук ёшдаги нурунийлар, 200 нафар болажонларнинг ота-оналарию бошқа жамоатчилик вакиллари жам бўлган даврада кўнгилларга гурур бағишлаб давлатимиз мадҳияси янграйди.

Наманган вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоевнинг табрик сўзларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари, болажон диёр — Ўзбекистонимизда келажақ эгалари — ёш авлод учун яратилаётган шароитлар таъкидлаб ўтилди.

Маънавий-маърифий тадбирлар учун барпо этилган саҳна, рангли мусиқали фавора, спорт ўйингоҳлари, салқин хибоналар оралаб ҳарир пардалар билан оранган



айвонлар, чўмилиш ҳавзасидаги зиллолик, ошхона, ётоқхона ва улардаги шарт-шароитлар худди орзуларимизга монанд.

— Ҳаққул-ободдаги 14-ихтисослашган мактаб интернатда ўқийман, — дейди Жамшид Хурсандалиев. — Олдинлари Янгиқўрғондаги, Косонсойдаги оромгоҳларда бўлганман.

Мана, энди ўзимизнинг Норинда ҳам зўр оромгоҳ барпо этилди. Бундан ота-онам, укаларим ҳам хурсанд бўлишди. Бу ерда ҳамма нарса яп-янги, чиройли...

Болалигим подшолигимдир, Бизни подшо билганга раҳмат, дея шеър айтаётган болакай-

дан исм-шарифини сўрайман.

— Норин туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 3-синфида ўқийман, — дейди Асилбек Исмоилжонов. — Бизга шундай оромгоҳ қуриб бергани учун Президентимизга раҳмат. Энди ёш бўли мазза қилиб дам оламиз. Ҳамма болалар хурсанд.

Оромгоҳни очилиш мароси-

мида уни барпо этишда сидқидилдан меҳнат қилган қурувчилар тақдирланди.

Тумanning турли ҳудудларидан келишган бўлса-да икки-уч кун ичида ўзаро дўстлашиб, биродарлашиб, тарбиячилари кўмағида шеър-қўшиқ ва рақслари билан тантанали маросимда қатнашган болажонлар завқу қувончининг чеки йўқ.

— «Тенгдош-тенгдошга» лойиҳаси асосида оромгоҳда дам олувчилар учун қўшиқлар тайёрладим, — дейди Чортоқдаги 5-ДИМИ ўқувчиси Гулшода Абдулхамидова. — Оромгоҳнинг кейинги навабатида дам олувчилари учун ҳам албатта келиб қўшиқлар ижро этиб бераман.

Ҳар гўдакни мўъжиза билан, кўтқариши мумкин дунёни! Шоирнинг ҳикмати айланган сўзлари кўнгил кенгликларида шукрона ва сурур шавқини нурлантиради.

Ирмоқлар бирлашиб дарё бўлганидек, дарёлар қўшилиб уммон бўлади. Кўкси тоғдек баланд дарёдил болаларнинг Ватанга меҳри кенг осмон бўлади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Уён туманидаги 51-сон мактаб учун 9х18 м ўлчамдаги (ёрдамчи) хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи:

қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 461,214 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 384,345 млн.сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамағармиси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйималар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдолари фақат «Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестринга» қўйилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талаб-ғорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ — 1475-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - «Давархитектурқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уй.

Тел/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кўни ва соати.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уйда ўтказилади.

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILLOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659 17819 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 20.50 Topshirilgan vaqti — 02.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



Болалар оромгоҳларида олтин ёз ўтмоқда соз!

ТАДБИР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти бўлими ҳамда Қозоқ миллий маданий маркази томонидан Байналмилал маданият марказида улуг қозоқ шоири Абай Қўнонбоев таваллуд топганлигининг 170 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

Икки қадрдон халқ оқини

Унда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, қозоғистонлик бир гуруҳ ижодкорлар, Қозоқ миллий маданий маркази аъзолари, талабалар, шоир иҳоди мухлислари иштирок этдилар.

— Абай қозоқ ва ўзбек халқлари учун бирдай сеvimли шоир, — деди йиғилишни очган Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Шунинг учун Ўзбекистонда унинг асарлари кириб бормаган хонадонни топиш қийин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али Абай Қўнонбоев таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилаётган мушоира ва тадбирлар хусусида фикр юритди.

— Бу байрам икки қардош ва қадрдон халқнинг байрами, — деди у. — Тошкентнинг марказий кўчаларида бири унинг номи билан аталishi ва Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси рўпарасида ўрнатилган ҳайкал Абай Қўнонбоевга ўзбек халқи эҳтироми раъзибидир.

Адабий анжуманда сўзга чиққан Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Навруз Айдаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Носир Фозиллов, қозоғистонлик ёзувчи ва халқаро публицист Бахитқўжа Рустемов ва бошқалар Абай Қўнонбоевнинг қозоқ ва жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Низомий номидида педагогика университети талабалари Абай шеърларидан тайёрланган композиция дастур намойиш қилдилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бир қанча вилоятларидан келган шоир ва оқинлар дил сўзлари инжор этишди, шеърхонлик ва концерт дастурида фаол иштирок этишди.

Тадбир сўнгига «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан фахрий ижодкорлар ва адабий кечада фаол иштирок этган шоир ва оқинларга эсдалик совғалари топширилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» грузоподъёмностью — 4,5 т или 9 т.

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЁМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъёмностью — 3 т, 5 т или 7 тонны

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс:(0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz.
email:cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

ОБ-ХАВО	18-19.06 — 2015
Юртимиз буйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+20 / +25 +35 / +40
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+20 / +25 +36 / +41
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+18 / +23 +35 / +40
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+20 / +25 +36 / +41
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+18 / +23 +33 / +38
Тошкент шаҳри	+20 / +22 +37 / +39
Дунё буйлаб (°C)	
Лондон	+21 / +22
Париж	+23 / +24
Москва	+22 / +22
Мадрид	+29 / +31
Пекин	+31 / +27
Канберра	+9 / +12
Рим	+28 / +28
Афина	+29 / +28
Токио	+24 / +21
Стокгольм	+14 / +16
Кейптаун	+17 / +19
Қоҳира	+39 / +36
Газетанинг навбатдаги сони 23 июнь, сешанба кўни чиқади.	